

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 15/31. 08. 2022. Т. 73. 03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛДАРОВ ФИДОКОР ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ**

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ШИНАЛАРИНИНГ ЕЙИЛИШ ИНТЕНСИВЛИГИНИ АНИҚЛАШ  
УСЛУБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Холдаров Фидокор Эркинбой ўғли**

Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш  
интенсивлигини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш..... 3

**Холдаров Фидокор Эркинбой ўғли**

Разработка методика определения интенсивность изнашивания шин  
специализированных транспортных средств..... 21

**Kholdarov Fidokor Erkinboy ugli**

Development of the method of determining the bending intensity of  
specialized vehicle tires..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛДАРОВ ФИДОКОР ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ**

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ШИНАЛАРИНИНГ ЕЙИЛИШ ИНТЕНСИВЛИГИНИ АНИҚЛАШ  
УСЛУБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PHD/T2952 рақам билан рўйхатга олинган.**

**Докторлик диссертацияси Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.**

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.andmiedu.uz](http://www.andmiedu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шермухамедов Абдулазиз Адилхакович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Халмухамедов Азиз Суратович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Ахмедов Дониёр Анваржонович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, майор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси **Тошкент давлат транспорт университети** ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc. 15/31.08.2022.Т.73.03** рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент ш, Одилахўжаев кўчаси, 1-уй, Тел.: (99871) 299-05-66).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент ш, Одилахўжаев кўчаси, 1-уй, Тел.: (99871) 299-05-66).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Рискулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**К.З.Зияев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.А.Мухитдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳозирги вақтда илмий ҳамжамиятда, автомобиль транспортида ташиш ишларининг самарадорлигини ошириш ва эксплуатацион материаллар ресурсидан самарали фойдаланиш, эксплуатация шароитига мос ихтисослаштирилган транспорт воситаларини ва уларнинг шиналарни танлаш каби муаммолар ечимига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда мураккаб эксплуатация шароитларида ишлатилаётган ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг ресурс тежамкорлигини баҳолаш ва стандартларни ишлаб чиқиш учун таклиф этилган усуллар, эксплуатация шароитида юзага келадиган ва шина ресурсига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, иш жараёнларини яхшилаш бўйича янги илмий техникавий ечимларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда мураккаб эксплуатация шароитларида эксплуатация қилинаётган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлигини ва уларнинг ресурсини аниқлаш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, турли тоифали йўл шароитларида эксплуатация қилинаётган ихтисослашган транспорт воситалари шиналарининг ишдан чиқиш динамикасини аниқлаш, юриш йўли (пробег)ни меъёрлаш услубини ейилиш интенсивлигига боғлаган ҳолда такомиллаштириш бўйича янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаimiz иқтисодиёти тармоқларида табиий иқлим шароитимизга мос равишда, транспорт воситалари ва унинг эҳтиёт қисмларининг эксплуатацион ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ қилишга қаратилган бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда “... йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, ...”<sup>1</sup> зарур. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарини йўл шароити, шинанинг йўл билан илашиш жараёни, шинанинг юкланганлиги каби омилларни эътиборга олган ҳолда шиналарнинг ейилиш интенсивлигини аниқлашнинг универсал услуби ва ҳақиқий юриш йўлини башоратлаш ҳамда унинг асосида ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналари харажатлари, захираларини режалаштириш, транспорт воситаларини хавфсиз ишлатишга эришиш муҳим ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 16-мақсади

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-819-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-348-сонли янги таҳрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги “Муомалага чиқарилаётган филдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 237-сон ва 2012 йил 4 июлдаги “Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида”ги 191-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш, транспорт, машина ва приборсозлик” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шина эксплуатация жараёнида турли хил юкламалар таъсирида бўлади, ундан ташқари унга ташқи муҳит, иқлим шароитлари ҳам таъсир кўрсатади. Шинага таъсир қилувчи барча омилларга баҳо бериш амалиётда жудаям қийиндир. Шунинг учун автомобиль шиналарига таъсир этаётган омилларни гуруҳлаб, уларнинг ресурсга миқдорий ва сифат жиҳатдан таъсирини баҳолаш керак. Бу борада хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан қатор ишлар олиб борилган.

Жумладан, МДХ ва хорижий мамлакатлардан А.М. Алаэддин, Г.И. Бродский, В.Ф. Евстратов, В.А. Карпенко, Е.В. Кленников, В.И. Кнороз, Е.Ф. Непомнящий, Я.И. Несвитский, И.П. Петров, В.Н. Тарновский, О.Б. Третьяков, Р.М. Устаров, Н.С. Захаров, Liang Chen, Z. Li, Н. Расејка, M.G. Pottinger, E. Sakai, L.R. Higgins ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимларидан О.В. Лебедев, А.А. Шермухамедов, В.А. Топалиди, А.М. Бабаев, А.А. Тогаев, У.Б. Юсуповлар томонидан олиб борилган ишларни алоҳида эътироф қилиш мумкин.

Ҳозирги вақтда шинанинг ишончилигига эксплуатацион омиллар, конструктив параметрлар, тайёрлаш технологияси, транспорт воситасининг техник ҳолати, йўл-иқлимий шароитлар, ҳайдовчининг маҳоратига ва бошқа турли омилларнинг таъсир қилиши, шинанинг ресурсига йўл ва иқлим шароитлари, транспорт воситасининг оғир юкламаларда ишлаши, ҳаракат тезлиги, йўл қоппамасининг сифати, ҳайдовчининг маҳорати ва бошқа турли омилларни таъсирини ўрганиш ва ҳисоблаш учун турли аналитик боғланишлар, моделлар ва услублар ишлаб чиқилган.

Айни пайтда мураккаб йўл шароитларида эксплуатация қилинишини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлигини аниқлаш бўйича мавжуд ҳисоб усулларининг таҳлили мавжуд илмий тадқиқотларда бу масала етарли даражада ёритилмаганини кўрсатади. Шунинг учун, мавжуд адабиётларда

етарли даражада ёритилмаган йўл шароити, шинанинг йўл билан илашиш жараёни, шинанинг юкланганлигини умумлашган формулаларини аниқлаш ва бу орқали ихтисослаштирилган транспорт воситаси шинасининг ейилиш интенсивлигини аниқлаш услубини такомиллаштириш зарур.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ва “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудукларини синаш” ОАЖ, “Қизилқумцемент АЖ, “Махсустрас ДУК билан уларнинг автотранспорт жамланмаларида эксплуатация қилинадаган транспорт воситалари шиналарини ҳақиқий юришини аниқлаш бўйича тузилган хўжалик шартномалари асосида бажарилган.

**Диссертация ишининг мақсади.** Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиши интенсивлигини назарий аниқлаш услубини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳақиқий юриш нормаларини башоратлашдан иборат.

**Диссертация ишининг вазифалари** қуйидагилар:

ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини назарий тадқиқ қилиш;

ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини экспериментал тадқиқ қилиш;

ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини аниқлаш бўйича олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини солиштирма таҳлил қилиш;

ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудукларини синаш” ОАЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ҳамда “Махсустрас” ДУКга қаршли корхоналаридаги эксплуатация қилинаётган ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари.

**Тадқиқот предмети:** мураккаб шароитларда эксплуатация қилинаётган ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш жараёни қонуниятини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари ейилиш интенсивлигини аниқлашда классик механиканинг асосий қоида ва усуллари; чарчаш назарияси; математик таҳлил, математик статистика; тажрибани математик режалаштириш усуллари, эксплуатацион хусусиятларни аниқлашнинг меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Республиканинг турли ҳудудларида эксплуатация қилинадиган ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг мураккаб йўл шароити кўрсаткичлари аниқланган;

ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг эксплуатация шароити, юкланиши ва шинанинг конструктив ҳамда техник тавсифларини ҳисобга олган ҳолда ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ресурсини эксплуатация шароитига, юкланиши ва шинанинг конструктив ҳамда техник тавсифларини ҳисобга олган боғланишлари аниқланган;

эксплуатация шароитига боғлиқ равишда йўл ва шина протектори ғадир–будирликлари коэффицентлари асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналарини ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини ҳисоблаш учун зарур бўлган ташқи параметрлар тавсия этилган;

ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналарини ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини аниқлаш учун зарур бўлган шинанинг таянч юза билан контактидаги ўртача контур босими, шинанинг йўл қопламаси билан илашиш коэффиценти, йўл қопламаси юзасининг ғадир-будирлиги параметрларини ҳисоблаш формулалари тавсия этилган;

шина ресурсининг эксплуатация шароити, юкланиши ва шинанинг конструктив ҳамда технологик характеристикаларига боғлиқ боғланишлари асосида “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ҳамда “Махсустрас” ДУКда эксплуатация қилинаётган ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари ресурси аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, шиналарнинг ейилиш интенсивлигини назарий, статистик ва динамик кўрсаткичларини назарий жиҳатдан асослашда назарий механика ва математик моделлаштириш қоидалари асосида ҳамда табиий-иқлимий ва йўл шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мослиги, ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлигини аниқлашда тажриба синовлари ва статистик тадқиқотлар ўтказилиб, амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти турли минтақавий йўл ва иқлим шароитларида йўлларнинг структуравий асоси ва уларнинг ташкил этувчи моддаларининг мустаҳкамлигини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлигини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, турли минтақавий йўл ва иқлим шароитларида ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлигини аниқлашнинг универсал услуби ҳамда ҳақиқий юриш йўлини башоратлаш таклиф қилинган, бу турли



тоифадаги йўлларда ишлатиладиган ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналари харажатлари ва захираларини режалаштириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлигини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

“Қизилқумцемент” АЖ, “Махсустрас” ДУК, “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудуқларини синаш” ОАЖга ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналарини эксплуатация қилиш иш режими кўрсаткичлари жорий қилинди (“Қизилқумцемент” АЖнинг 2023 йил 26 июлдаги 02-49/1042-сон маълумотномаси; “Махсустрас” ДУКнинг 2023 йил 13 июндаги маълумотномаси; “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2023 йил 26 июлдаги 08-18-8-573-сон маълумотномаси). Натижада, ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналарини ейилиш интенсивлигини ва ҳақиқий юриш йўлини ҳисоблаш учун зарур бўлган ташқи параметрларни аниқлаш имконияти яратилди;

“Қизилқумцемент” АЖ, “Махсустрас” ДУК, “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудуқларини синаш” ОАЖга ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг турли шароитларда ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини ҳисоблаш услуги жорий қилинди (“Қизилқумцемент” АЖнинг 2023 йил 26 июлдаги 02-49/1042-сон маълумотномаси; “Махсустрас” ДУКнинг 2023 йил 13 июндаги маълумотномаси; “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2023 йил 26 июлдаги 08-18-8-573-сон маълумотномаси). Натижада, ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўли қийматларини аниқлаш имконияти яратилди;

“Қизилқумцемент” АЖ, “Махсустрас” ДУК, “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудуқларини синаш” ОАЖга шина ресурсининг эксплуатация шароити, юкланиши ва шинанинг конструктив ҳамда технологик характеристикаларига боғлиқ боғланишлари жорий қилинди (“Қизилқумцемент” АЖнинг 2023 йил 26 июлдаги 02-49/1042-сон маълумотномаси; “Махсустрас” ДУКнинг 2023 йил 13 июндаги маълумотномаси; “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2023 йил 26 июлдаги 08-18-8-573-сон маълумотномаси). Натижада, ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ресурси аниқлаштирилди.

Илмий натижаларни қўллаш орқали “Қизилқумцемент” АЖ, “Махсустрас” ДУК, “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудуқларини синаш” ОАЖда аниқланган муддатларда шиналарни эксплуатациядан чиқариш орқали ихтисослаштирилган транспорт воситалари хавфсиз ишлатиш имконияти яратилди. Мазкур тадқиқотни олиб бориш учун Тошкент давлат транспорт университети билан “Қизилқумцемент” АЖ ўртасида 2016 йил 13 апрелда 29,424 млн.сўмлик 132/2016-сон хўжалик шартномаси, “Махсустрас” ДУК ўртасида 2020 йил 6 январда 58,0 млн.сўмлик 229/2020-сон хўжалик шартномаси ва “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудуқларини синаш” ОАЖ ўртасида 2013 йил 28

январда 43,4 млн. сўмлик 199/2013-сон хўжалик шартномаси тузилган. Тадқиқот иши ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, транспорт воситаларини хавфсиз ишлатишга қаратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 ҳалқаро ва 2 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавзу бўйича илмий техник адабиётларнинг таҳлили, муаммони шакллантириш”** деб номланган биринчи бобида ҳозирги вақтда юртимиз ва жаҳон мамлакатларида автомобиль шиналарининг ресурсига таъсир этувчи асосий омиллари, шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини аниқлаш услублари, ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг мавжуд юриш меъёрлари, ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг иш шароитларига оид илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Шина эксплуатация жараёнида турли хил юклар таъсирида бўлади, ундан ташқари унга ташқи муҳит, иқлим шароитлари ҳам таъсир кўрсатади. Шинага таъсир қилувчи барча омилларга баҳо бериш амалиётда жудаям қийиндир. Шунинг учун автомобиль шиналарига таъсир этаётган омилларни гуруҳлаб, уларнинг ресурсига миқдорий ва сифат жиҳатдан таъсирини баҳолаш керак. Бу борада хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан қатор ишлар олиб борилган.

Жумладан, МДҲ ва хорижий мамлакатлардан А.М. Алаэддин, Г.И. Бродский, В.Ф. Евстратов, В.А. Карпенко, Е.В. Кленников, В.И. Кнороз, Е.Ф. Непомнящий, Я.И. Несвитский, И.П. Петров, В.Н. Тарновский, О.Б. Третьяков, Р.М. Устаров, Н.С. Захаров, Liang Chen, Z. Li, Н. Расајка,

M.G. Pottinger, E. Sakai, L.R. Higgins ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимларидан О.В. Лебедев, А.А. Шермухамедов, В.А.Топалиди, А.М.Бабаев, А.А.Тогаев, У.Б. Юсуповлар томонидан олиб борилган ишларни алоҳида эътироф қилиш мумкин.

Автомобиль шиналари ейилиши интенсивлигини аниқлаш бўйича адабиётлар таҳлили бу борада турли хил эксплуатация шароитини, шиналар конструкцияларининг ўзига хослиги, уларнинг юкланганлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олган эмпирик формулалар мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо мавжуд формулалардан реал эксплуатация шароитида фойдаланиш қатор қийинчиликларга олиб келади, жумладан айрим параметрларни аниқлаш учун ҳар бир шина учун куч ва маблағ талаб этадиган тажрибалар ўтказиш заруриятини талаб қилади. Бу эса мавжуд адабиётларда етарли даражада ёритилмаган йўл шароити, шинанинг йўл билан илашиш жараёни, шинанинг юкланганлигини умумлашган формулаларини аниқлаш ва бу орқали шинанинг ейилиш интенсивлигини аниқлаш усуллариини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Мавжуд меъёрий ҳужжатларнинг таҳлили, уларда иқлим минтақалари бўйича фарқланиш, ҳаракатланувчи таркибнинг тури ва унинг модификацияси ҳисобга олиш, шиналарнинг ишлаш муддати иш шароитларига қараб фарқлаш, шинанинг ўлчами ва моделини ҳисобга олиш каби кўрсаткичларни комплекс ҳисобга олмаслигини кўрсатади.

Диссертацияда ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг асосан уч тоифали йўлларда ишлатилиши ўрганилган:

III-тоифали такомиллаштирилган асфальт қопламали йўлларда;

IV-тоифали асфальт ётқизилмаган (тупроқ, тошли) йўлларда;

V-тоифали, асосан қаттиқ тоғ породаси ётқизилган, карьер йўлларда.

“Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ автотранспорт жамланмаларида автотранспорт шиналари табиий тупроқли йўллар, қаттиқ қатламга эга бўлмаган қопламали йўлларда, махсус бурғулаш жиҳозлари билан доимий юкланганлик ҳолида, узлуксиз бир жойда туриб циклик юкланишда (вибрация) ишлатилади (1-расм).



1-расм. “Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ шароитида ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг иш шароитлари

“Қизилқумцемент” АЖда автотранспорт шиналари табиий тупроқли йўллар, вақтинчалик карьер ичкарасидаги ва қазил ишлари олиб борилаётган йўллар, қаттиқ қатламга эга бўлмаган қопламали йўллар, “Сиғиб кетувчанлик” чегарисидан чиққан йўл қисмларида, бу бурилишларда марказдан қочма куч натижасида ёнга сирпаниш (занос)ни келтириб чиқаради, максимал равишда юкланган ҳолда ишлатилади (2-расм).



2-расм. “Қизилқумцемент” АЖ шароитида транспорт воситаларини ишлаш шароитлари

“Махсустрас” ДУКда автотранспорт шиналари шаҳардаги асфальт-бетон йўллар бўлишига қарамасдан, уларнинг доимий юкланганлик (айрим ҳолда меъёрдан ортиқ ҳолда), юкларни ортиш билан боғлиқ технологик тўхташлар кўп бўлганлик ҳолда ва “Сиғиб кетувчанлик” чегарисидан чиққан йўл қисмларида (кичик радиусларда бурилиш зарурияти) ишлатилади (3-расм).



3-расм. “Махсустрас” ДУК шароитида транспорт воситаларини ишлаш шароитлари

Диссертациянинг **“Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиши интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини**

**аниқлашнинг назарий тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналари резиналарига қўйиладиган талаблар ва уларнинг деформацияланиши назарий тадқиқ этилган.

Транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва юриш йўлини аниқлаш бўйича кўп йиллик тадқиқот тажрибасига асосланиб, ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини ҳисоблашнинг қуйидаги услуби таклиф этилган.

1. *Шинанинг таянч юза билан контактидаги ўртача контур босимини аниқлаш.*

$$p_c = \frac{p_w^{1/2} G_k^{1/2}}{2k' B_n r_0^{1/2} \alpha_2^{1/2} \left[ 1 + \left( 1 - \frac{4\alpha_1 p_w^2}{\alpha_2^2 G_k} \right)^{1/2} \right]^{1/2}}.$$

бу ерда  $p_w$  – шинадаги ҳавонинг ички босими;  $G_k$  – юкланиш;  $\alpha_{1,2}$  – ўзгармас катталиклар;  $k'$  – протектор нақшининг тўлиқлик коэффиценти;  $r'$  – корд қатлами деформацияланган симининг радиуси;  $B_n$  – протектор кенглиги;  $r_0$  – ташқи юкланишлардан ҳоли бўлган ғилдирак радиуси.

2. *Шинанинг таянч юза билан илашиш кучини аниқлаш.*

Шинанинг таянч юза билан солиштирма ишқаланиш (илашиш) кучи қуйидагича бўлади:

$$\tau_m = \frac{T}{A_c} = \frac{\alpha_{эф} \Delta^{1/3} p_c^{4/3} \Theta^{1/3}}{\pi b \frac{3\nu-1}{3\nu}} + \left[ \tau_0 + \frac{0,71\beta \Delta^{1/3} b^{1/3\nu} p_c^{1/3}}{\Theta^{2/3}} \right] \frac{1,45 p_c^{2/3} \Theta^{2/3}}{\Delta^{1/3} b^{1/3\nu}}.$$

бу ерда  $\tau_0$  ва  $\beta$  фрикцион тавсифлар, йўл сиртининг ҳолатига (ифлосланганлик, намланганлик ва ҳ.к.) боғлиқ;  $\alpha_{эф}$  - мураккаб юкланиш ҳолатида гистерезис йўқотиш коэффиценти;  $b, \nu, \Delta$  - йўл юзининг микротопографияси параметрлари;  $\Theta = \frac{\mu}{E}$ ,  $\mu, E$  - протектор резинасининг каттиқлик ва эластиклик модуллари.

3. *Шинанинг йўл қопламаси билан илашиш коэффицентини (нисбий ишқаланиш) аниқлаш.*

Илашиш коэффиценти  $\psi$  — бу тўлиқ бўлмаган статик ишқаланиш кучининг жисмининг юзасига таъсир этувчи ташқи кучларнинг нормал қисмига нисбати ёки контакт зонасидаги максимал реакциянинг  $T_{max}$  ғилдиракка таъсир этувчи нормал реакцияга  $N$  нисбатига тенг:

$$\psi = \frac{T_{max}}{N} = \frac{\tau}{p_c} = \frac{0,13\alpha_{эф} \Delta^{1/3} p_c^{4/3}}{E^{1/3}} + \frac{p_c^{2/3}}{\Delta^{1/3} E^{2/3}}$$

4. *Йўл қопламаси юзасининг гадир-будирлигини аниқлаш.*

Йўл қопламаси гадир-будирлигини қуйидаги эмпирик формула билан аниқлаш мумкин:

$$r_{cp} = a \cdot e^{-bM} + c,$$

бу ерда  $r_{cp}$  – макрогадир-будирлик нотекисликларининг ўртача чуқурлиги, мм;  $M$ – юриб ўтган транспорт воситалари сони;  $a$ ,  $b$ ,  $c$  – майда тошнинг ўлчамига, қопламанинг қаттиқлигига ва транспорт оқимининг таркибига боғлиқ коэффициентлар.

##### 5. Шина протекторининг ейилиш интенсивлигини аниқлаш.

Шина протектори ейилишини унинг чизиқли ейилиш интенсивлиги тушунчасидан фойдаланган ҳолда баҳолаш мумкин, яъни:

$$I = i_h \frac{P_r}{En}$$

бу ерда  $i_h$  – чизиқли ейилиш интенсивлиги коэффициенти,  $P_r$  – ҳақиқий босим,  $E$  – протектор резинасининг эластиклик модули,  $n$  – шина ғилдирашидаги цикллар сони.

Ҳақиқий босим қуйидаги формула билан аниқланади:

$$p_r = 0,3E \sqrt{\frac{h}{r}} \quad \text{кгс/см}^2$$

бу ерда  $h/r$  – “Шина-йўл” эластик контакт боғланиши, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\frac{h}{r} = 1,1 \left( \frac{p_c}{E} \right)^{2/7} \cdot \left( \frac{h_{\max}}{r_{cp}} \right)^{6/7},$$

бу ерда  $h_{\max}$ ,  $r_{cp}$  – протектор ва йўлнинг ғадир-будирлик параметрлари.

Шина ғилдирашидаги цикллар сонини аниқлаш формуласи:

$$n = \left( \frac{\sigma_0}{\sigma} \right)^t,$$

бу ерда  $\sigma = k f p_r$ ;  $k$  – протектор резинаси учун захира коэффициенти,  $f$  – шинанинг йўл билан ишқаланиш коэффициенти.

##### 6. Шинанинг ҳақиқий юриш йўлини аниқлаш

Шинанинг ейилиш интенсивлиги маълум бўлган ҳолда, ҳақиқий юриш йўлини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$L = \left( \frac{h_{pr}}{I} \right),$$

бу ерда  $h_{pr}$  – протектор баландлиги, мм.

Шундай қилиб, шинанинг тавсифлари, уларнинг тузилиши, ундаги ҳаво босими, ғилдиракдаги юкланиш, протектор резинасининг механик хусусиятлари, йўл юзасининг ғадир-будирлиги ва резина ейилиши асосан чарчоқ характерга эга деб ҳисобга олган ҳолда ихтисослашган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини аниқлашнинг умумий услуби таклиф этилди.

Мисол сифатида, “Узгеобурнефтегаз” АК шароитида ишлатиладиган КрАЗ-65101 бурғулаш машинасининг 12.00R20 (320x508) ИД -304 маркали

шиналарнинг ейилиш интенсивлиги ва юриш йўлини ҳисоблаб топамиз. Ҳисобни 19 мм чуқурликка тенг протектор ейилгунча, эластиклик модули  $E=150 \text{ кгс/см}^2 = 15 \cdot 10^6 \text{ Па}$ ,  $t=5$  (циклик коэффициент),  $k=3$  (протектор резинаси учун захира коэффициенти),  $f = 0,42$  ишқаланиш коэффициенти тенг йўл шароити (тупроқ, жичлаштирилган ёки маҳаллий материаллар билан яхшиланган ёки вақтинчалик карьер ичкарасидаги ва қазилган ишлари олиб борилаётган йўллар) учун амалга оширамиз.

Шинанинг юриш йўлини аниқлаш ҳисобини “шина-йўл” эластик контакт (боғланиш) учун формуласидан бошлаймиз, бунда протектор ва йўлнинг ғадир-будирлик параметрлари аниқлаш муҳим бўлган параметрлар ҳисобланади. Йўл параметрлари ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлигини ҳисоблаш услубининг 4-қадамига асосан аниқланса, протектор ғадир-будирлиги Монте-Карло усули асосида аниқланади, мазкур шина учун  $h_{\max} = 0,2489 \text{ мм}$ ,  $r_{cp} = 16 \text{ мм}$  бўлса, “шина-йўл” эластик контакт (боғланиш) учун формуласидан  $h/r$  ни аниқлаймиз:

$$\frac{h}{r} = 1,1 \left( \frac{8,7}{150} \right)^{2/7} \cdot \left( \frac{0,2489}{16} \right)^{6/7} = 0,0137 \quad (1)$$

$\sigma_s = \sigma_0$  бўлганда  $\frac{h}{r} < \left( \frac{\sigma_0}{f \cdot E} \right)^2$  бўлиши керак, яъни

$$\frac{h}{r} < \left( \frac{\sigma_0}{f \cdot E} \right)^2 = \left( \frac{250}{0,42 \cdot 150} \right)^2 = 15,74 \quad (2)$$

(1) va (2) дан:

$$\frac{h}{r} = 0,0137 < 15,74,$$

бу шинанинг йўл билан эластик боғланиши мавжудлигини кўрсатади. Шина филдирашидаги циклар сонини аниқлаймиз:

$$n = \left( \frac{\sigma_0}{\sigma} \right)^t,$$

бу ерда  $\sigma = k \cdot f \cdot p_r$ ; ҳақиқий босим:

$$p_r = 0,3 E \sqrt{\frac{h}{r}} = 0,3 \cdot 150 \sqrt{0,0137} = 5,2766 \text{ кгс/см}^2.$$

Механик кучланганлик  $\sigma$ :  $\sigma = 3 \cdot 0,42 \cdot 5,2766 = 6,6486 \text{ кгс/см}^2$ .

Протектор ейилишида циклар сони:  $n = \left( \frac{250}{6,6486} \right)^5 = 7,5172 \times 10^7$

Шинанинг ейилиш интенсивлиги:

$$I = 0,7 \cdot \frac{p_r}{E \cdot n} = \frac{0,7 \cdot 5,2766}{150 \cdot 7,5172 \times 10^7} = 3,2757 \cdot 10^{-10}$$

Шинанинг ҳисобий юриш йўли қуйидагини ташкил қилди:

$$L = \left( \frac{h_{pr}}{I} \right) = \frac{19}{3,2757 \cdot 10^{-10}} = 5,8003 \cdot 10^{10} \text{ мм} \approx 58,0 \text{ минг км}$$

бу ерда  $h_{pr}$  – протектор чуқурлиги, мм.

Шу тариқа, юриш йўлининг ҳисоб қиймати 58 минг км га тенг.

Айрим ҳолларда ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг меъёрий юриш йўлини мото-соатда аниқлаш зарур бўлиб қолади.

Шиналарининг юриш йўлини км дан мото-соатга ўтказиш қуйидагича амалга оширилади.

Транспорт воситаси юриш йўлини аниқлаш услубига асосан:

$$L = \tau \cdot k_L,$$

бу ерда  $L$  – стационар ҳолатда асосий двигателнинг ишини ҳисобга оладиган юриш йўли параметри, км;  $\tau$  – стационар ҳолатда ишлайдиган асосий двигателнинг ҳақиқий ишлатилган вақти, мото-соат;  $k_L$  – стационар ҳолатда ишлайдиган асосий двигателнинг ҳақиқий ишлатилган вақтини ҳақиқий юриш йўлига келтириш коэффициенти (гусеницали машиналар, махсус филдиракли шасси ва тягачлар учун  $k_L = 15$ ), км/мото-соат.

Юқоридаги ҳисоб-китоблар “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ кудуқларини синаш” ОАЖ автобазасидаги бошқа турдаги шиналар учун ҳам амалга оширилди. Ҳисоблаш натижалари қуйидаги 1-жадвалда жамланган.

Ўрганилаётган транспорт воситаларининг ўртача юриш йўлининг назарий ва экспериментал қийматларининг қиёсий таҳлили қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Шиналарнинг ейилиш интенсивлиги ва юриш йўлининг ҳисоб натижалари

№	Транспорт воситаси маркази, шина ўлчами, маркази ва модели	Дастлабки маълумотлар					$p_r$ , кг/см <sup>2</sup>	$n \cdot 10^7$	$I$ мм/минг км	$L$ , минг км (мото-соат)
		$h_{pr}$ , мм	$p_c$ , кг/см <sup>2</sup>	$h_{max}$ , мм	$r$ , мм	$f$				
1.	КрАЗ-65101, 12.00R20 (320x508) ИД-304	19	8,7	0,2489	16	0,42	5,2766	7,5172	0,327	58,0
2.	Урал-4320, 14.00-20 ОИ-25 КАМА	20	4,2	0,3889	16	0,42	5,7576	4,8602	0,553	36,2
3.	Kenworth, 425/65R22.5 ВТ 668 ВОТО	14	8,4	0,2245	16	0,42	5,0232	9,6153	0,243	57,4
4.	ТАТРА-815, 12.00R20	19	8,7	0,2466	16	0,42	5,2557	7,6683	0,320	59,4



	(320x508) ИД-304									
5.	B-Bench LTJ-5240, 12.00R20 (320x508) ИД-304	19	8,7	0,2482	16	0,42	5,2703	7,5627	0,325	58,4

2-жадвал

Ўрганилаётган транспорт воситалари шиналарини ўртача юриш йўлининг назарий ва экспериментал қийматларини қиёсий таҳлили

№	Транспорт воситаси маркаси	Транспорт воситаси тури	Шина ўлчами, маркаси ва модели	Автошиналарнинг ўртача юриш йўли (назарий), минг км	Автошиналарнинг ўртача юриш йўли (экспериментал) минг км	Назарий қийматнинг экспериментал қийматдан фарқи (%да)
1.	КрАЗ-65101	бурғулаш машинаси	12.00R20 (320x508) ИД-304	58,0	56,5	2,65
2.	Урал-4320	бурғулаш машинаси	14.00-20 ОИ-25, КАМА	36,2	35,5	1,97
3.	Kenworth	нефт ташувчи	425/65R22.5 ВТ 668, ВОТО	57,4	58,6	2,05
4.	ТАТРА-815	нефт ташувчи	12.00R20 (320x508) ИД-304	59,4	58,2	2,06
5.	B-Bench LTJ-5240	нефт ташувчи	12.00R20 (320x508) ИД-304	58,4	57,1	2,28

Шундай қилиб, “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ автобазасидаги 5 турдаги ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ўртача юриш йўли аниқланди. Олинган назарий натижаларни экспериментал натижалар билан солиштира таҳлили ейилиш интенсивлигининг аниқланган интервалларга тушиши, ўртача юриш йўлининг назарий қийматлари экспериментал кўрсаткичлардан четлашиши 2,65 %дан ошмаслигини, шиналарнинг ғадир-будирлик параметри қийматлари 0,2...0,39 оралиғида ўзгаришини кўрсатди.

Келтирилган услуб асосида “Қизилкумцемент” АЖ шароитида ишлайдиган 9 турдаги ва “Махсустрас” ДУК шароитида ишлайдиган 5 турдаги ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ўртача юриш йўллариининг назарий ва экспериментал натижаларини солиштира таҳлили уларнинг ейилиш интенсивлигининг аниқланган интервалларга тушиши, ўртача юриш йўллариининг назарий қийматлари экспериментал кўрсаткичлардан четлашиши мос равишда 7,72 % ва 5,21% дан ошмаслигини, шиналарнинг ғадир-будирлик параметри қийматлари 0,21...0,4 ва 0,21...0,296 оралиғида ўзгаришини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини**

**экспериментал тадқиқоти”** деб номланган учинчи бобида экспериментал тадқиқотларнинг дастури ва услуби келтирилиб, унда шина қаттиқлиги ва унинг протектор чуқурлигига боғлиқлигини резина қаттиқлиги кўрсаткичларига ботиш чуқурлиги ва қаттиқлик рақами асосида ТШР (Шор бўйича резиналарни қаттиқлигини ўлчаш асбоби)да аниқлаш; шина протекторининг ейилиш интенсивлигини аниқлаш учун ташкилот (корхона)да эксплуатация қилинаётган транспорт воситалари таркибидан шина партиясини танлаб, транспорт воситалари шиналарини рақамлаштириш схемаси асосида назоратга олиш ва тегишли ўлчаш (ДСт 28169); аниқланган шина протекторининг ейилиш интенсивлиги асосида протектор баландлигига боғлиқ равишда шинанинг ҳақиқий юриш йўлини аниқлаш кетма кетлиги таклиф этилган.

“Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ шароитида эксплуатация қилинаётган ихтисослаштирилган транспорт воситалари шинасининг ейилиш интенсивлигини ва ҳақиқий юриш йўлини экспериментал аниқлашда тажриба тадқиқотлари учун назарий тадқиқотларга мос равишда қуйидаги шиналар танлаб олинди:

1. Ўлчами 12.00R20 (320x508), модели ИД -304, серияси У-4 бўлган КрАЗ 65101 бурғулаш машинасига ўрнатилган шина.

2. Ўлчами 14.00-20, модели ОИ-25 бўлган Урал-4320 бурғулаш машинасига ўрнатилган шина.

3. Ўлчами 425/65R22.5, модели ВТ 668 ВОТО. Kenworth нефт ташувчи машинасига ўрнатилган шина.

Турли шиналари қаттиқлигини протектор баландлигига боғлиқ равишда ўзгариши натижалари 3-жадвалда келтирилган.



3-жадвал

Шиналар қаттиқлигини ўлчаш натижалари



Шина номи	Тажриба рақами	Ботиш чуқурлиги, мкм	Ўртача ботиш чуқурлиги, мкм	Қаттиқлик рақами, кгс/см <sup>2</sup> (НВ)	Шор бўйича қаттиқлик
<u>№ 1 – шина (3 мм)</u> 12.00R20 (320x508) модели: ИД -304 серияси: У-4	1	100	95	6,7	53
	2	80			
	3	105			
	4	90			
	5	100			
<u>№ 2 – шина (2 мм)</u> 14.00-20 Модели: ОИ-25 ДСт № 13298	1	105	104	6,11	47
	2	100			
	3	98			
	4	110			
	5	107			
<u>№ 3 – шина (3 мм)</u> 425/65R22.5 ВТ 668	1	100	92,4	6,9	54
	2	100			
	3	82			
	4	90			
	5	90			

Натижалар таҳлили, протектор баландлигининг камайиши протектор қаттиқлигининг камайишига сабаб бўлишини кўрсатади.



Танланган шиналар партиясида доимий равишда ейилиш ва шикастланишлар назорати олиб борилди. 4-8-расмларда шинанинг юриш йўлига боғлиқ равишда протекторнинг ейилиши графиклари ҳамда графикларнинг аппроксимация тенгламалари келтирилган.





4-расм. Урал-4320 бурғулаш машинасига ўрнатилган шиналарнинг ейилиши.





5-расм. Kenworth СС-952 нефт ташиш машинасига ўрнатилган шиналар ейилиши.



6-расм. ТАТРА-815 нефт ташиш машинасига ўрнатилган шиналар ейилиши.



7-расм. В-Bench LTJ-5240 нефт ташиш машинасига ўрнатилган шиналар ейилиши.



8-расм. КраЗ-65101 бурғулаш машинасига ўрнатилган шиналарнинг ейилиши

“Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ шароитида эксплуатация қилинаётган ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва юриш йўлининг умумлашган экспериментал натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Шиналарнинг юриш йўлини қиёсий баҳолаш ва нисбий хатоликни аниқлаш, унинг ўртача арифметик қиймати ва ўртача квадратик четлашишни (бундан буён матнда стандарт четлашиш деб юритилади) аниқлаш орқали амалга оширилган.

4-жадвал

Нефт ва газ қудуқлари ОАЖ автобазаси шароитида ишлатилаётган автомашиналар шиналари протектори ейилиш интенсивлиги ва ўртача юриш йўли натижалари

№	Транспорт воситаси маркази ва тури	Шина ўлчами, маркази ва модели	Ейилиш интенсивлиги, мм/минг км	Автошиналарнинг ўртача юриш йўли, минг км	Стандарт четлашиш, минг км
1.	КраЗ-65101 бурғулаш машинаси	12.00R20 (320x508) ИД-304	0,2...0,265	56,5	4,96

2.	Урал-4320 бурғулаш машинаси	14.00-20 ОИ-25 КАМА	0,48...0,565	35,5	2,27
3.	Kenworth нефт ташувчи	425/65R22.5 BT 668 BOTO	0,2...0,261	58,6	4,98
4.	ТАТРА-815 нефт ташувчи	12.00R20 (320x508) ИД-304	0,278...0,351	58,2	4,75
5.	V-Bench LTJ- 5240 нефт ташувчи	12.00R20 (320x508) ИД-304	0,288...0,364	57,1	3,68

Юқорида келтирилган экспериментал тадқиқотлар дастури ва услуби асосида назарий тадқиқотларга мос равишда “Қизилқумцемент” АЖ ва “Махсустрас” ДУК да ишлатилаётган ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналари протекторларини ёйилиши интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлари ўтказилди. Ўлчаш ва ҳисоб натижалар умумлаштирилиб 5-жадвалга жамланган.

5- жадвал

“Қизилқумцемент” АЖ ва “Махсустрас” ДУК да ишлатилаётган автомашиналар шиналари протектори ёйилиш интенсивлиги ва ўртача юриш йўли натижалари

№	Транспорт воситаси маркаси ва тури	Шина ўлчами, маркаси ва моделли	Ёйилиш интенсивлиги, мм/минг км	Автошиналар- нинг ўртача юриш йўли минг км	Стандарт четлашиш, минг км
<b>“Қизилқумцемент” АЖ</b>					
1.	MAN TGS 26.400 цемент ташувчи	315/80R22.5 Ling Long, D980	0,588...0,689	30,2	1,8
2.	MAN TGS 26.400 цемент ташувчи	315/80R22.5 Continental, HSR1 (HDR+)	0,535...0,655	33,7	1,6
3.	MAN CLA 26.280 КТА-25 автокран	315/80R22.5 Ling Long, D980	0,575...0,768	30,7 (2050 мото- соат)	1,8 (118 мото- соат)
4.	Hardox 450 НВ яримтиркама	385/65R22.5 Ling Long, LLA18	0,520...0,665	27,2	2,1
5.	Hardox 450 НВ яримтиркама	385/65R22.5 Ling Long, RS609	0,519...0,653	27,1	2,1
6.	XCMG QY16B.5 автокран	11.00R20 (300R508) Forward, Traction310	0,404...0,469	43,5 (2900 мото- соат)	2,0 (1355 мото- соат)
7.	SHACMAN F2000 бензин ташувчи	12.00R20 URATURN, Y601	0,288...0,322	61,3	1,8
8.	HOWO Sinotruk 290 CNHTC бойлер	12.00R20 YINLUN, YA115	0,292...0,333	60,4	3,1

9.	ISUZU FVR 33 L бензин ташувчи	11R22.5 DUNLOP, SP 350	0,242...0,267	62,9	2,2
<b>“Махсустронс” ДУК</b>					
1.	ISUZU SAZ NQR 71PL (7м <sup>3</sup> ) ахлат ташувчи	7.50R16LT BOTO, 124/120K 16PR BT288	0,161...0,179	64,2	2,85
2.	ISUZU SAZ NQR 71PL (7м <sup>3</sup> ) ахлат ташувчи	7.50R16LT AGATE 122/118M 14PR HF702	0,272...0,323	44,1	2,63
3.	ISUZU SAZ NQR 71PL (7м <sup>3</sup> ) ахлат ташувчи	7.50R16LT WANLI 122/118N 14PR S-2055	0,286...0,33	44,9	2,72
4.	ISUZU FVR 33G (10 м <sup>3</sup> ), ахлат ташувчи	295/80R22.5 ANNAITE 154/151M 18PR Model 755	0,204...0,219	85,1	2,31
5.	ISUZU FVR 33G (10 м <sup>3</sup> ), ахлат ташувчи	295/80R22.5 AGATE 152/149M 18PR HF668	0,264...0,292	58,2	2,13

### **ХУЛОСАЛАР**

1. Мавжуд адабиётлар таҳлили автомобиль шиналари ейилиши интенсивлигини аниқлаш бўйича турли хил эксплуатация шароитини, шиналар конструкцияларининг ўзига хослиги, уларнинг юкланганлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олган эмпирик формулалар мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо мавжуд формулалардан реал эксплуатация шароитида фойдаланиш қатор қийинчиликларга олиб келади, жумладан айрим параметрларни аниқлаш учун ҳар бир шина учун куч ва маблағ талаб этадиган тажрибалар ўтказиш заруриятини талаб қилади. Бу эса мавжуд адабиётларда етарли даражада ёритилмаган йўл шароити, шинанинг йўл билан илашиш жараёни, шинанинг юкланганлигини умумлашган формулаларини аниқлаш ва бу орқали шинанинг ейилиш интенсивлигини аниқлаш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

2. Диссертация тадқиқотлари учун ажратиб олинган автошиналар эксплуатация қилинадиган уч хил мураккаб йўл шароити таҳлили куйидагиларни кўрсатди:

- “Нефт ва газ кудуқларини синаш” ОАЖ автотранспорт шиналари табиий тупроқли йўллар, қаттиқ қатламга эга бўлмаган қопламали йўлларда, махсус бурғулаш жиҳозлари билан доимий юкланганлик ҳолида, узлуксиз бир жойда туриб циклик юкланишда (вибрация) ишлатилади;

-“Қизилқумцемент” АЖ автотранспорт шиналари табиий тупроқли йўллар, вақтинчалик карьер ичкарисидаги ва қазиш ишлари олиб борилаётган йўллар, қаттиқ қатламга эга бўлмаган қопламали йўллар, “Сиғиб кетувчанлик” чегарисидан чиққан йўл қисмларида, бу бурилишларда

марказдан қочма куч натижасида ёнга сирпаниш (занос)ни келтириб чиқаради, максимал равишда юкланган ҳолда ишлатилади;

-“Махсустратс” ДУК автотранспорт шиналари шаҳардаги асфальт-бетон йўллар бўлишига қарамасдан, уларнинг доимий юкланганлик (айрим ҳолда меъёрдан ортиқ ҳолда), юкларни ортиш билан боғлиқ технологик тўхташлар кўп бўлганлик ҳолда ва “Сиғиб кетувчанлик” чегарисидан чиққан йўл қисмларида (кичик радиусларда бурилиш зарурияти) ишлатилади.

3. Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарини ейилиш интенсивлигини аниқлаш учун йўлнинг мураккаб шароити, шинанинг юкланганлиги, йўл ва шина юзасининг ғадир-будирлигини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган услуби ишлаб чиқилди.

4. Ишлаб чиқилган ҳисоб услуби асосида “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ автобазасидаги 3 турдаги, “Қизилқумцемент” АЖ шароитида ишлайдиган 9 турдаги ва “Махсустратс” ДУК шароитида ишлайдиган 5 турдаги ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ўртача юриш йўли аниқланди. Олинган назарий натижаларни экспериментал натижалар билан солиштирма таҳлили ейилиш интенсивлигининг аниқланган интервалларга тушиши, ўртача юриш йўлининг назарий қийматлари экспериментал кўрсаткичлардан четлашиши 7,72 % ошмаслигини, шиналарнинг ғадир-будирлик параметри қийматлари 0,2...0,4 оралиғида ўзгаришини кўрсатди;

5. Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини ҳисоблаш методикаси ҳамда унинг асосида олинган назарий натижаларни тўғрилигини тасдиқлаш, ҳисоблаш методикадаги экспериментал боғланишларни аниқлаш учун “Ўзгеобурнефтегаз” АКнинг “Нефт ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ (3 турдаги), “Қизилқумцемент” АЖ (9 турдаги) ва “Махсустратс” ДУКда (5 турдаги) эксплуатация қилинган шиналар устида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Ишлаб чиқилган экспериментал тадқиқоти дастури ва услуби асосида ўрганилаётган шиналарнинг ейилиш интенсивлиги, ўртача юриш йўллари, уларнинг ўртача квадратик четлашиши аниқланди.

6. “Ўзгеобурнефтегаз” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ва “Махсустратс” ДУКнинг автотранспорт корхоналарига тадқиқотнинг қуйидаги натижалари жорий этилди:

- “Ўзгеобурнефтегаз” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ва “Махсустратс” ДУК шароитларида ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналарини эксплуатация қилиш иш режими кўрсаткичлари;

- ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг турли шароитларда ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юриш йўлини ҳисоблаш услуби;

- шина ресурсининг эксплуатация шароити, юкланиши ва шинанинг конструктив ҳамда технологик характеристикаларига боғлиқ боғланишлари.

7. Илмий натижаларни қўллаш орқали “Ўзгеобурнефтегаз” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ва “Махсустратс” ДУКда аниқланган муддатларда шиналарни эксплуатациядан чиқариш орқали ихтисослаштирилган транспорт

воситалари хавфсиз ишлатиш имконияти яратилди. Тадқиқот иши ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, транспорт воситаларини хавфсиз ишлатишга қаратилган.

8. Тадқиқот Тошкент давлат транспорт университети (Тошкент автомобиль-йўллар институти) билан “Узгеобурнефтегаз” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ва “Махсустрас” ДУК ўртасида “Ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналарини ейилиш интенсивлиги ва ҳақиқий юришини аниқлаш” мавзусида тузилган хўжалик шартномалари (“Узгеобурнефтегаз” АК билан 2013 йил 28 январдаги 199/2013-сон х/ш, маблағи 43,4 млн.сўм, “Қизилқумцемент” АКнинг 2016 йил 13 апрельдаги 132/2016-сон х/ш, маблағи 29,424 млн.сўм, “Махсустрас” ДУКнинг 2020 йил 6 январдаги 229/2020-сон х/ш, маблағи 58,0 млн.сўм) доирасида амалга оширилган.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 15/31. 08. 2022. Т. 73. 03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЛДАРОВ ФИДОКОР ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ**

**РАЗРАБОТКА МЕТОДА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИНТЕНСИВНОСТИ  
ИЗНОСА ШИН СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ТРАНСПОРТНЫХ  
СРЕДСТВ**

05.08.06 – Колесные и гусеничные машины и их эксплуатация

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора философии(PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2023

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.2.PhD/T2952**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации составлен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб сайте Научного совета и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Шермухамедов Абдулазиз Адилхакович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Халмухамедов Азиз Суратович</b> доктор технических наук, доцент  <b>Ахмедов Даниёр Анваржонович</b> доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент, майор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный технический университет</b>

Защита диссертации состоится на заседании ученого совета **DSc.15/31.08.2022.T.73.03** по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном транспортном университете, \_\_\_\_\_ 2023 года в \_\_\_\_\_. (Адрес: 100167, г.Ташкент, ул.Адилхужаева, дом 1, Тел.: (99871) 299-05-66)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета \_\_\_\_\_ (зарегистрирован под номером **100167**). (Адрес г.Ташкент, ул.Адилхужаева, дом 1, Тел.: (99871) 299-05-66)

Автореферат диссертации распространен «\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.  
(Протокол реестра под № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 г.).

**А.А.Рискулов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

**К.З.Зияев**  
Ученый секретарь научного совета, доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

**А.А.Мухитдинов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В настоящее время в мире научным сообществом активно проводятся научно-исследовательские работы, направленные на решение таких задач, как повышение эффективности автомобильного транспорта и эффективное использование эксплуатационных материальных ресурсов, выбор специализированных транспортных средств и их шин, подходящих к условиям эксплуатации. В них предложены методы оценки ресурсоэффективности специализированных транспортных средств, эксплуатируемых в особых условиях и разработке нормативных документов, особое внимание уделяется изучению факторов, возникающих в условиях эксплуатации и влияющих на ресурс шин, разработке новых научно-технических решений по улучшению процесса эксплуатации.

В мире проводятся ряд научно-исследовательских работ по определению интенсивности износа и пробега шин транспортных средств, эксплуатируемые в сложных эксплуатационных условиях. В частности, особое внимание уделяется разработке новых научно-технических решений по определению динамики выхода из строя шин специализированных транспортных средств, работающих в различных типах дорожных условий, совершенствование методики нормирования пройденного пути (пробега) путем привязки его к интенсивности износа.

В нашей республике в отраслях экономики особое внимание уделяется разработке и внедрению методов эффективного использования эксплуатационных ресурсов транспортных средств и их запасных частей в соответствии с нашими природно-климатическими условиями. При проведении научно-исследовательских работ необходимо «...снижать аварийность и смертность на дорогах путем совершенствования дорожной инфраструктуры и создания безопасных условий движения,...»<sup>1</sup>. При реализации этих задач важным является разработка универсального метода определения интенсивности износа и прогнозирования фактического пробега шин специализированных транспортных средств с учетом таких факторов, как дорожные условия, процесс контакта шин с дорогой, нагрузка на шины и т.д., и на их основе планирование затрат и запасов шин, обеспечение безопасной эксплуатации транспортных средств.

В Узбекистане реализуется широкий комплекс мер по обеспечению безопасной эксплуатации транспортных средств. В частности, Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-819 «О техническом регулировании» от 27

---

<sup>1</sup> Цель 16 “Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан указом №УП-60 от 28 января 2022 года

февраля 2023 года, Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-348 «О безопасности дорожного движения» (в новой редакции) от 10 апреля 2013 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 237 от 25 апреля 2017 года «Об утверждении общего технического регламента о безопасности колесных транспортных средств, выпускаемых в обращение» и № 191 от 4 июля 2012 года «О безопасности конструкции автотранспортных средств в условиях эксплуатации», и настоящее диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач, определенных в документах, связанных с этой деятельностью.

